

Абдусаломова Нодира Баходировна
ТДИУ, “Бухгалтерия ҳисоби” кафедраси
катта илмий-ҳодим изланувчиси

ҚОРА МЕТАЛЛУРГИЯ САНОАТИ ҚОРХОНАЛАРИДА ХАРАЖАТЛАРНИ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Ушбу мақолада муаллиф қора металлургия саноати қорхоналарида бухгалтерия ҳисобини ташкил этилишини, бухгалтерия ҳисоби тизимида харажатлар бошқариш ҳисобининг асосий мақсадини атрофлича ёритиб берган. Шунингдек, қора металлургия саноати қорхонаси харажатларнинг қорхона ичида бошқариш муаммосининг муҳимлигини инобатга олиб бухгалтерия ҳисобида харажатларни бошқариш тизими таклиф этилган, ҳамда харажатларни асосли равишда қисқартириш мақсадида, қора металлургия саноати қорхоналарида харажатларни самарали бошқариш тизимини моҳияти кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: харажатларни бухгалтерия ҳисоби, маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи, харажатларни бошқариш, харажатлар ҳисоби мақсади.

В данной статье рассматриваются организация бухгалтерского учета в предприятиях черной металлургии. Кроме того, принимая во внимание важность управления компанией предложена система управления затратами в предприятиях черной металлургии, а также в целях снижения себестоимости металлургической промышленности были показаны сущность эффективной системы управление затратами.

Ключевые слова: учет затрат, себестоимость произведенное продукции, управления затратами, цель учета затрат.

This article discusses of the steel industry accounting organization, accounting system to cover in detail the purpose of calculating the costs. In addition, the costs of the steel industry, taking into account the importance of the problem of management of the company in the proposed system of cost accounting, and based on the cost of the steel industry in order to reduce the cost of showing the importance of an effective management system.

Keywords: cost accounting, cost of goods manufactured, cost management, the purpose of cost accounting

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 22 январь 2015 йилдаги “Саноатда ишлаб чиқариш харажатларини қисқартиришга ва маҳсулот таннархини пасайтиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 8-сонли қарорига мувофиқ, маҳаллий қорхоналарда ишлаб

чиқарилаётган маҳсулотнинг рақобатбардошлигини янада ошириш, уни ишлаб чиқариш ҳамда ички ва ташқи бозорларда сотиш ҳажмларини кўпайтириш, шу асосда саноат тармоқларини барқарор ривожлантиришни ва экспорт салоҳиятини ўстиришни таъминлаш, шунингдек энергия самарадорлиги ва энергияни тежаш стандартларини иқтисодиётга янада самарали жорий этиш мақсадида қуйидагиларни амалга ошириш белгиланган[1]:

— энергия ресурслари истеъмолини қисқартириш ва ишлаб чиқаришда энергия самарадорлигини ошириш;

— технологик жараёнларни ҳамда материал-хом ашё ресурсларини сарфлаш нормаларини, фойдаланиш ва ноишлаб чиқариш харажатларини ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш йўли билан рационализация қилиш.

Юқоридаги қарордан келиб чиқиб, қора металлургия саноати корхоналарида юқори моддий сиғими шароитида ресурслардан фойдаланиш, ахборот сифатини ошириш ва янада мукамал таҳлил воситаларини қўллаш йўли билан харажатларни бошқариш самарадорлигини ошириш муаммоси кескинлашиб бормоқда.

Ушбу масалаларни ижобий ҳал этишда, қора металлургия саноати корхонасининг самарали фаолият юритишини белгиловчи муҳим шартларидан бири харажатлар таркибида унга бевосита таъсир қилувчи харажатлари элементлари бўйича амалга ошириладиган сарфларни тўғри ташкил қилиш, ҳисобини аниқ юритиш ва келгусида бошқарув қарорлари учун асос бўлувчи маълумотларни олишда таҳлилни мукамал юритиш муҳим аҳамиятга эга.

Харажатлар молиявий бошқарув ҳисобининг объекти бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун харажатлар ҳисобини самарали ташкил этишда, бошқарувчилардан, корхонани бошқаришнинг барча даражаларида, аввало, асосий харажатларни таснифлаш усулини қўллашни талаб этади[2].

Т.П. Карповани таъкидлашча, ҳозирги вақтда бухгалтерия ҳисобида харажатларни хусусиятларини аниқлашда ёрдам берадиган, харажатларни таснифлаш ва гуруҳлашнинг турли хилларидан фойдаланилади. Харажатларни аниқ таснифлаш харажатлар ҳисобини тўғри ташкил қилиш ва маҳсулот таннархини аниқлашда муҳим омиллардан ҳисобланади[3].

А.В. Грачевнинг таъкидлашча, бухгалтерия ҳисоби тизимида харажатлар бошқариш ҳисобининг асосий мақсади, биринчи навбатда, ички фойдаланувчиларни харажатлар ҳақидаги зарур ва етарли ўз вақтида бошқарув қарорларини ишлаб чиқариш учун етарли маълумот билан таъминлашдир. Харажатлар ҳисобини бир бутун ҳолга келтириш туфайли, корхоналарнинг жорий, молиявий ва инвестициявий фаолияти давомида юзага келадиган кенг қамровли ёндашувларни аниқлаш ва муаммоларни ечиш учун олдинги, жорий ва келгуси харажатларнинг яхлит кўриниши ҳосил бўлади[4].

Бизнинг фикримизча, бу мақсадга мувофиқ равишда кенг қамровли харажатларни бошқариш тизими қуйидаги вазифаларни амалга оширишни осонлаштириши керак:

– харажатларнинг ҳақиқий даражасини ўрнатилган қоидаларга тўғри келишини кузатиб бориш ва текшириш ҳамда келажак учун иқтисодий стратегияни шакллантириш;

– ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулот (иш, хизмат)лар таннархини ҳисоблаш ва молиявий натижани аниқлаш;

– ишлаб чиқариш фаолиятининг иқтисодий самарасини аниқлаш ва баҳолаш;

– қарорлар қабул қилиш учун харажатлар тўғрисидаги маълумотларни тизимлаштириш.

Шунингдек, қора металлургия саноати корхонасида харажатлар назоратини амалга оширишда 2 усулдан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. 1-усулда истеъмол қилинган ресурсларга қилинадиган харажатларни нормалар асосида режалаштирилгани билан ҳақиқатдаги харажатлар ўртасидаги четланишлар сабаблари ҳисобга олинади ва таҳлил қилинади. 2-усулда вақт давомидаги ҳақиқий харажатларни ўзгариш йўналишлари ўрганилади. Қуйидаги жадвалда республика қора металлургия саноати тармоғининг жами харажатлари таркиби келтирилган (1-жадвал).

1-жадвал

Республика қора металлургия саноати тармоғи бўйича харажатлар таркиби¹

млн.сўм

Йиллар	Жами харажатлар	Ишлаб чиқариш моддий харажатлари	Ишлаб чиқариш тарзидаги иш ҳақи тўлаш харажатлари	Ишлаб чиқаришга тегишли ижтимоий сурғурага	Ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган асосий воситалар амортизацияси	Ишлаб чиқариш тусидаги бошқа харажатлар	Сотиш харажати	Маъмурий харажатлар	Бошқа операцион харажатлар	Молиявий фаолият бўйича харажат
2006	280337,8	178610,8	21100	5242,8	6130,2	6377,7	2828,2	9890,2	46039	3808,9
2007	382318,8	240862	27275,8	6378,1	8464	11583,1	4322	14919,5	66716,4	1797,4
2008	553692,1	365974,7	37705,5	8994,7	7111,6	21834,3	5428,5	19972,3	82601	4069
2009	579520,6	379427,5	58693,6	14017,4	7883,6	22966,5	5299,7	20395,9	63924,1	6911,8
2010	733866,2	480641,4	67743,2	17004	21890,9	13836,5	6901	23768,4	90576,1	11504,6
2011	963532,6	637518	87821,1	21940,4	27862,5	18612,1	11740,5	34063,6	110869,6	13104,7
2012	1084640,7	670272,6	98032,8	24018	35389,8	27737,3	28210,8	42362,2	135241,4	23375,6
2013	1216152,7	794411,1	107289,9	26858,2	45673,1	4265,2	30590,7	49787,4	157244,4	-
2014	1397517,4	863920,6	141080,7	35294,5	82751	4019	31551,8	59123,8	179775,1	-
2015	1549596,1	817623,1	180231,3	42700,6	102179,6	113234,7	-	-	-	-

Қора металлургия саноати корхоналарида ишлаб чиқариш технологиясининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб маҳсулот таннархига қуйидаги харажатлар киритилади:

¹ Тадқиқотчи сўровига асосан Ўзбекистон республикаси давлат статистика қўмитаси расмий маълумоти. 23 июнь 2016 йил. №01/2-03-17/2-138

– ишлаб чиқаришга тайёргарлик кўриш харажатлари: табиий ресурсларни қидириш, тайёрлаш, янги маҳсулот турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ва бошқа харажатлар;

– маҳсулотни ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ бўлмаган, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва технология билан боғлиқ харажатлар;

– технология ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш билан боғлиқ бўлган, ишлаб чиқариш жараёни давомида амалга ошириладиган, маҳсулотнинг сифатини яхшилаш, унинг ишончилиги, чидамлилиги ва бошқа хусусиятларини ошириш билан боғлиқ бўлган харажатлар;

– меҳнат шароитлари ва хавфсизлик техникасини яхшилашга, ишлаб чиқаришдаги ишчилар малакасини оширишга кетадиган харажатлар;

– сотиш харажатлари (етказиб бериш шартига кўра тегишли маҳсулот туридаги маҳсулотнинг нархидан ортиғи харидор томонидан қопланадиган ҳолатлардан ташқари).

Қора металлургия саноати корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнининг мураккаблиги, корхона хўжалик фаолиятида унинг аҳамияти, харажатларнинг турли-туманлиги бухгалтерия ҳисобида ишлаб чиқариш ҳисобварақларининг яхлит гуруҳларидан фойдаланишни талаб этади.

Қора металлургия саноати корхоналари маҳсулоти (ишлари, хизматлари) корxonанинг асосий фаолият тури ҳисобланадиган асосий ишлаб чиқариш харажатлари 2010 - “Асосий ишлаб чиқариш” ҳисобварағида акс эттирилади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш билан бевосита боғлиқ бўлган бевосита харажатлар, шунингдек, ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлари, асосий ишлаб чиқаришни бошқариш ва унга хизмат кўрсатишга боғлиқ билвосита харажатлар ҳамда брақдан йўқотишлар 2010 - “Асосий ишлаб чиқариш” ҳисобварағи дебети бўйича акс эттирилади.

Қора металлургия саноати корхоналарида яримтайёр маҳсулотлар тайёрлаш бўйича барча харажатлар аввал асосий ишлаб чиқариш ҳисобварағида акс эттирилади. 2110-ҳисобварағидан қайта ишланаётган хомашё кетма-кетликда бир қанча алоҳида, мустақил қайта ишлов, қайта ўзгартириш босқичларидан ўтадиган босқичларида фойдаланилади. Бунда ҳар бир қайта ишлов сўнггисини мустасно қилган ҳолда, хомашёни қайта ишлашнинг тугалланган босқичини ифодалайди, бунинг натижасида корхона қайта ишланган тугал маҳсулотни эмас, балки ўзи ишлаб чиқарган яримтайёр маҳсулотни олади. Мазкур ҳолатда маҳсулот ишлаб чиқариш ва таннархини калькуляциялашга доир харажатлари ҳисобининг қайта ишлаш босқичлари бўйича усули қўлланилади.

Қора металлургия саноати корхоналарида яримтайёр маҳсулотлар мазкур даврда асосий маҳсулот ишлаб чиқариш учун керагидан ортик чиқарилганида алоҳида ҳисобвараққа ажратилади ҳамда улар ҳисобда алоҳида акс эттирилиши лозим. Бундан ташқари, ўзи ишлаб чиқарган яримтайёр маҳсулотлар (зарур ҳолларда) сотилиши ҳам мумкин. Ишлаб чиқариш ҳисобининг яримтайёр маҳсулотлар вариантынинг афзаллиги шундан

иборатки, у цехлар бўйича маҳсулотни қайта ишлашнинг алоҳида босқичлари таннархини белгилашга, шунингдек ҳақиқий таннархнинг режадаги ёки меъёрдан четга чиқишлар юз берган жой ва сабабларини аниқлашга имконият яратади.

Қора металлургия саноати корхоналарида ишлаб чиқариш харажатлари бухгалтерия ҳисоби бошқариш тизимининг таркибий қисми сифатида ахборотлар қуйидаги мақсадлар учун мўлжалланган:

1. Корхона фаолиятини юритишда унинг келажакдаги стратегия ва тактикасини режалаштириш ва алоҳида хўжалик операцияларини амалга ошириш, корхонанинг моддий, меҳнат ва молиявий ресурсларидан муқобил фойдаланиш учун.


2. Корхона ва унинг алоҳида бўлинмалари бўйича хўжалик юритиш самарадорлигини белгилаш ва баҳолаш, алоҳида маҳсулотларнинг рентабеллик даражасини аниқлаш учун.

3. Корхона ва унинг алоҳида цех ва бўлинмаларининг жорий фаолияти ва фаолият турлари тежамкорлигининг назорати.

4. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнларига таъсир этувчи омилларни аниқлаш.

Қора металлургия саноати корхонаси харажатларнинг корхона ичида бошқариш муаммосининг муҳимлигини инобатга олиб, ягона гуруҳлаш тизимини яратиш мақсадга мувофиқдир. Таъкидлаш жоизки, корхона ёки маҳсулотнинг ҳаётийлик даври босқичига, тармоқ таркиби ва тузилмасига, стратегик ва тактик мақсадларга, шунингдек, турли бошқарув воситаларидан фойдаланилгандаги бошқарув босқичига боғлиқ ҳолда, харажатларнинг аниқ номланиши мутлақо бошқача мазмун касб этиши мумкин. Бунда корхоналарнинг жами харажатлари тузилмаси ўзгаради, уларни бошқариш самарадорлиги битта жавобгарлик марказидан бошқасига ўтади.

Қора металлургия саноати корхонаси мақсадга йўналтирилган харажатлар марказини, ташқи муҳит ва манфаатдор одамлар гуруҳлари билан боғлиқ ташқи муҳит билан боғланган ижтимоий-иқтисодий тизим сифатида қараганда шуни таъкидлаш жоизки, харажатларни бошқариш учун, авваламбор, уларни биз таклиф этаётган кўп ўлчамли харажатларни бошқариш тизимида намоён қилиш мақсадга мувофиқдир (1-расм), бу бошқарувчиларга назоратнинг энг самарали воситасини танлаш имконини берадики, улардан биттаси комплекс бюджетлаштиришдир.



1-расм. Қора металлургия саноати корхонаси бухгалтерия ҳисобида харажатларни бошқариш тизими(муаллиф ишланмаси)

Биз таклиф қилган модел, қора металлургия корхонаси бухгалтерия ҳисобида ахборотлар тизимини яхлит ҳолда бўлишига ёрдам беради, услубий асосларини ҳамда харажатлар бухгалтерия ҳисобини мақсадли ўрнатиш имконини беради. Фикримизча, қора металлургия саноати корхонаси бухгалтерия ҳисобида харажатларни бошқариш тизими асосида бошқарувчилар ишлатилган захираларни баҳолаш учун, корхона фаолиятида юзага келган барча харажатлар ҳақида маълумот тўплаши мақсадга мувофиқдир, яъни:

1. Харажатларни ҳисоб тизими бир неча қисмларни ўз ичига олган мураккаб тузилишга эга эканлиги.


2. Харажатлар корхонанинг энг яхши ривожланишига таъсир қиладиган ва бугун ва келажакда керакли натижаларни шаклланишини таъминловчи категориялардан бири эканлиги. Шу туфайли, харажатлар ҳисоби тизими, ички ва ташқи фойдаланувчиларни харажатларни ўтган ва келгуси даврдаги ҳолати ҳақидаги ахборот билан таъминлаши лозим.

3. Харажатлар ҳисобини самарали ташкил қилиш, харажатлар айнан қаерда юзага келяпти ва юқори фойда олишни нима таъминлаши тўғрисида, уларнинг оптимал тузилмасини шакллантириш, шунингдек, корхонага бозордаги ўз ўрнини сақлаб қолиш ёки кенгайтириш мумкин бўлган маълумот олиш имконини беради.

4. Харажатлар ҳисобини шакллантиришда молиявий ва калькуляцион ҳисоблар қўлланиши керак, чунки улар корхонанинг турли томонларини акс эттиради. Молиявий ҳисоб корхона ва ташқи муҳит ўртасида бўладиган тўлов тартибинини (пул оқимларини) амалга оширади, бу ташқи йўналтирилган ва бухгалтерия ҳисоби билан боғлиқ бўлади. Калькуляцион ҳисоб тўлов воситалари ҳаракати асосида эмас балки аниқ хомашё ва ишлаб чиқариш захираларининг (ишлаб чиқариш омиллари) ҳаракатига боғлиқ. Бу ҳисоб ички йўналтирилган бўлади, шунинг учун бошқарув ҳисобида юритилади.

5. Бошқарувчини мувофиқ маълумот билан таъминлаш мақсадида, бошқарув ва назорат учун зарур бўлган корхонанинг харажатлари ҳисоби, оддий бухгалтерия ҳисобидан фарқ қиладиган, ташқи омиллар таъсирини мувофиқлаштирадиган ва тадбиркорликни ривожлантиришга ёрдам берадиган стратегик ҳисобни ўз ичига олиши керак.

Шундан келиб чиққан ҳолда харажатларни асосли равишда қисқартириш мақсадида, қуйида келтирилган қора металлургия саноати корхоналарида харажатларни самарали бошқариш тизими ишлаб чиқилди (2-расм).



2-расм. Қора металлургия саноати корхоналарида харажатларни бошқариш тизими²

Ушбу тизимнинг афзаллиги шундаки, унда харажатларни бошқариш ҳисобининг асосий мақсад ва вазифалари тўлиқ ўз ифодасини топади. Чунки барча амалга оширилган ҳисоб ишлари ўзининг мантиқий якунига етказилади. Натижада, хўжалик раҳбари уни самарали бошқаришда зарурий чора-тадбирларни қўллашда тўлиқ, аниқ, керакли маълумотларни ўз вақтида олиш имконига эга бўлади. Бу раҳбарга харажатларни калькуляция моддаларини тўғри ҳисобга олиниши, назорат ва бошқарув таҳлилинини ўтказишда, зарурий чора-тадбирларни қўллашда жуда қўл келади.

Қора металлургия саноати корхоналари учун харажатларни юқорида келтирилган тизими, харажатларни оптимал даражасини таъминлаш учун бошқарув вазифаларини амалга оширишга қаратилган ўзаро боғланган ва биргаликда ҳаракат қиладиган элементлардан иборат. Яхши ишлаб чиқилган ва ташкил қилинган тизим, ишлаб чиқариш омиллари тузатиш ҳаракатлари

² Муаллиф ишланмаси

асосида харажатларнинг оптимал даражасини ўрнатиш учун барча чораларни амалга ошириш имконини беради. Бундай тизимнинг энг муҳим ва асосий элемент бевосита бошқариш жараёнини ҳисобланади. Ушбу тизимга асосан, харажатларни бошқаришни мақсади бўлиб, иқтисодий ресурслардан фойдаланишни таъминлаш ва даромадлилигини максималлаштириш ҳисобланади.

Қора металлургия саноати корхоналарида харажатларни бошқариш тизимида ташқи муҳит таъсирини алоҳида кўрсатилишининг сабаби, айнан ташқи муҳит таъсирини ҳисобга олиб, харажатлар ҳисобини тадқиқ қилишда, иқтисодий категориялар таҳлили билан чекланиб қолмасдан, ноиқтисодий омиллар таҳлили асосида харажатларни бухгалтерия ҳисобини ҳозирги ҳолати ва харажатларни бошқариш ҳисоби методологиясини ривожлантириш истиқболларини баён қилиш имконини беради. Шу билан бирга бу бевосита корхона ривожланишига таъсир қилади, чунки ташқи муҳит ва корхона бири-бирига чамбарчас боғланган. Харажатларни бухгалтерия ҳисобига ташқи муҳитни таъсири сифатида мамлакатнинг иқтисодий, ижтимоий, маданий ва тарихий хусусиятларини даражаси акс эттирилади.

Ташқи муҳитни шакллантириш ва харажатлар ҳисоби методологиясига муҳим таъсир кўрсатадиган институтлар бўлиб, барча иқтисодий ташкилотлар учун мажбурий меъёр базасини яратувчи қонунлар ва иқтисодий ўзгаришлар ҳисобланади. Ички муҳит ҳам ташқи муҳит таъсири остида бўлади, лекин корхона, корхона учун фойда келтирадиган харажатлар ҳисобини ташкил қилиш бўйича ўзининг қоидалари ва меъёрларини ташкил этиш йўли билан харажатларни бошқариш мумкин бўлади. Бундан ташқари, корхона учун қулай қоидаларни қўллаш натижасида бухгалтерия ҳисоботларида нотўғри тақдим қилинган маълумотларни аниқлаш, инвесторлар томонидан киритилган сармоялар белгилаш, ресурсларни тақсимлаш бўйича кредит ва шунга ўхшаш қарорларни қабул қилиш ва бошқарув сифатини баҳолаш мумкин бўлади.

Бошқарув қарорларини қабул қилишда қора металлургия саноати корхонаси раҳбарлари харажатлар ҳисоби объектлари ҳақида маълумот тўплашлари керак. Шунингдек, харажатларни бошқаришда харажатларни тартибга солиш ҳамда келгусида юзага келадиган харажатларни прогнозлаштириш алоҳида аҳамият касб этади. Чунки шу асосда харажатларни режалаштириш, ташкил қилиш ва юзага келиш сабабларини аниқлаш мумкин бўлади.

Харажатларни мувофиқлаштириш босқичида харажатларни ўзаро мослиги аниқланади.

Харажатларни режалаштириш ва калькуляция қилиш босқичида ишлаб чиқариш ҳажми белгиланади.

Харажатларни шакллантириш тизимининг якуний элементи назорат ҳисобланади. Назорат сўнгги режалаштириш ва таҳлил қилиш жараёни ҳисобланиб, корхона ўз олдида қўйган вазифаларни бажариш учун йўл кўрсатади ҳамда ортиқча харажатларни аниқлаш ва бартараф этишга ёрдам

беради. Турли соҳаларда назоратнинг ҳар хил турлари бор. Шу билан бирга улар доим ўзгариб туради, ҳар бир корxonанинг хусусиятларига қараб назорат ташкил этилади. Қора металлургия саноати корxonасининг тармоқ хусусиятидан келиб чиқиб, харажатларни назорат қилишни энг қулай йўли уларнинг келиб чиқиш жойларига ажратиш, харажатлар маркази ва келиб чиқиш жойлари бўйича назорат қилиш ҳисобланади.

Харажатларни таҳлил қилгандан сўнг корхона фаолияти давомида юзага келган харажатлар бизга қанчалик самара бериши аниқланади, сўнгра шулар асосида харажатларни бошқаришни энг қулай чора-тадбирлари ишлаб чиқилади. Биз таклиф қилган 2-расмдаги тизимга асосан, ишлаб чиқариш жараёнини бошқариш услубиёти олти асосий босқични ўз ичига олади.

- биринчи босқичда – ишлаб чиқариш жараёни эгаси белгиланади.
- иккинчи босқичда – ишлаб чиқариш жараёни чегараси тавсифланади.
- учинчи босқичда – ишлаб чиқариш жараёнини ўзи тавсифланади.
- тўртинчи босқичда – ишлаб чиқариш жараёнида назорат нуқталарини ўрнатади.

– бешинчи босқичда - ишлаб чиқариш жараёни назорат нуқталарида олинган натижалар баҳоланади.

– олтинчи босқичда - ишлаб чиқариш жараёни мукамаллиги тўғрисида олинган маълумот ва таклифларни таҳлил қилинади.

2-расмдаги тизимга асосан қора металлургия саноати корxonасини ишлаб чиқариш жараёни назорат қилиш тизимининг асосий босқичлари бешинчи ва олтинчи босқич бўлиб, унда жараёни ривожланиши тўғрисида ахборот ҳосил бўлади ва қуйидагилар аниқланади:

- ишнинг заиф жойини аниқлаш;
- харажатлар марказларини аниқлаш;
- айрим тадбирларнинг сифатини яхшилаш;
- ортиқча тадбирларни камайтириш ва ҳ.к.

2-расмдаги тизим асосида харажатларни бошқаришда қора металлургия корxonалари харажатлар ҳисобини барча муҳим муносабатларини, меъёрий-ҳуқуқини ва ривожланиш шароитлари, шу асосда тажриба бажариш мумкин бўлган ҳолатларни ҳисобга олиши мақсадга мувофиқдир.

Юқоридагиларни инобатга олиб хулоса қилишимиз мумкинки, қора металлургия саноати корxonаларида юқори самарага эришиш учун, корxonалар харажатларни стратегик шакллантиришга ҳаракат қилишлари керак. Харажатларни стратегик шакллантириш бизнингча, корxonанинг умумий стратегик ривожланишининг муҳим элементи, асосан ўртача бир суткалик даврга мўлжалланган харажатларни энг муносиб механизмини шакллантириш керак. У шунга асосланганки, ишлаб чиқариш харажатлари корxonанинг ички имкониятларини кўрсатиб беради, унинг ички ишлари тўғрисида ҳақиқий маълумот олиш имконини беради ва қайта ишлаш учун асос бўлиб хизмат қилади ҳамда аниқ мақсадга эришиш тадбирларни амалга оширишга йўналтирилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Саноатда ишлаб чиқариш харажатларини қисқартиришга ва маҳсулот таннархини пасайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори мувофиқ 22.01.2015 й. №8.

2. Kirill S.Denisov. “Models of optimization of expenses in system of financial management of the enterprise”. “Развитие управленческих и информационных технологий, их роль в региональной экономике” Материалы II Международной открытой научно-практической конференции МОСКВА – 2016.

3. Карпова Т.П. Управленческий учет. Учебник для вузов. -М.: Аудит, ЮНИТИ, 1998.-350 с.

4. Грачев А.В. Организационный аспект постановки планирования, анализа и контроля на предприятии. //Управленческий учет. - 2007. - №4. -С. 31-34